



Ислом Бўриев

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти кичик илмий ходими

E-mail: islomb361@gmail.com

МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ ОНАДЎЛИ ЎЛКАСИ – ТАРИХИЙ ТУРКИЯ ЮРТИ ТЎҒРИСИДА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15729543>

Аннотация. Мақолада туронлик улуғ қомусий олим Мухаммад Хоразмийнинг (783 – 850) асарларида тарихий Онадўли ўлкаси хусусида берилган маълумотлар таҳлил қилинади. Бунда Онадўлида юз берган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўлканинг жуғрофияси, аҳолиси ва унинг ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги турли қайдлар муаммовий тарзда ўрганилади. Мақолани ёзишда Хоразмийнинг асарларида келтирилган Онадўли тўғрисидаги деярли барча маълумотлар тадқиқот доирасига тортишга ҳаракат қилинган. Тадқиқот натижасида Хоразмийнинг асарлари Турон ва Онадўли ўртасидаги минг йилдан кўпроқ давом этаётган тарихий алоқаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган.

Калим сўзлар: Мухаммад Хоразмий, Турон, Онадўли, Рум, румликлар, Византия, араблар, Араб халифалиги, "Китоб ат-тарих", Клавдий Птолемей жўғрофий ўрин (координата), кунсаноқ (тақвим), насронийлик.

Кириш. Минг йиллардан бери давом этиб кетаётган Турун – Онадўли алоқалари Биринчи Уйғониш чоғида ҳам ривожланиб, олимларимиз ўз асарларида бу юрт, ундаги турли эллар тўғрисида қимматли ва қизиқ маълумотларни бериб кетишган. Ўз асарларида Онадўли (Рум) тўғрисида эслаб ўтган туронлик илк аллома Мұхаммад ибн Мусо Хоразмийдир (783 – 850). Унинг асарларида Онадўли ерлари, унинг жуғрофияси, аҳолиси тўғрисида муҳим маълумотларни қайд этади. Хусусан, Хоразмийнинг жаҳон тарихи ёритилган “Китоб ат-тарих” асарида Араб халифалигининг ҳарбий юришлари хусусида сўз кетганда румликлар – онадўлиликлар (ўрта чоғда Онадўли, Болқон яримороли ва жануби-шарқий Оврўпада ҳукм сурган Византия империяси мусулмон олимлар томонидан Рум, унда яшаган эллар умумий маънода румликлар деб айтилган) ҳам тилга олинади. “Китоб ат-тарих”нинг бугунгача топилган энг йирик қисми (тажминан 32 бет) Элие бар Шинаянинг (Шинайлик Илёс, 975 – 1050) сурёний тилидаги “Йилнома” (“Хронография”) асардагина учрайди. Унда Мұхаммад Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” асаридан кўпгина парчалар келтирилган. Бу мақолани ёзишда “Йилнома” асарининг французча таржимасидан кенг фойдаланилди.

Асосий қисм. Хоразмийга кўра, араблар билан румликлар ўртасидаги илк йирик жанг ҳижрий 11-йилда (милодий 633-йил) ҳозирги Сурия ерида юз берган. Кейин эса Араб халифалиги қўшинлари бирин-кетин Фаластин, Дамашқ, Хумс ва Баалбекни эгаллаб, Онадўлининг жанубий бўлагига ҳужум бошлашади. Хоразмий бу жараён билан боғлиқ қизиқ маълумотни ҳам келтиради. Унга кўра, Антиохияда (Антиохия – ҳозирги Антакия, Туркиянинг жанубидаги йирик шаҳар) ўтирган Рум императори Ҳераклиус (610 – 641) ўзининг 200 000 лик қўшинини янчиб ташлаган араблардан қўркиб, милодий 636-йилда Константинополга (Константинопол – ҳозирги Истанбул шаҳри) қочиб кетган экан [1: С. 81 – 82.]. Бунда Рум императори Антиохияни, ундаги

ўз элини ҳимоя қилиб мардонавор жанг қилишдан кўра, қўрқоқларча ўз жонини омон сақлаб қолишни ўйлагани ҳам ойдинлашади.

Онадўлида Араб халифалиги томонидан энг биринчи эгалланган йирик шаҳарлар жануби-шарқдаги Антиохия (ҳозирги Антакя), Насибин (Нусайбин), Тур Абдин ва ва Қарду бўлган. Буларнинг сўнгти учтаси Араб халифалиги қўшини саркардаси Ижод ибн Фанум томонидан милодий 640-йилда қўлга киритилган. Шу йилда Херакл ўлиб, императорликка унинг ўғли Константин келганлигига ҳам Хоразмий асарда қисқача тўхталиб ўтади [1: С. 83 – 84.].

Хижрий 22-йилда (милодий 642-йилнинг 30-ноябридан 643-йилнинг 18-ноябригача) Араб халифалиги саркардаси Муғира ибн Шуъба Онадўлига ҳам сиёсий, ҳам маданий боғлиқ ўлка Озарбайжонни эгаллайди. Кипрга илк ҳужум ҳижрий 28-йилда (милодий 648-йил 25-сентабрдан 649-йил 14-сентабргача) Муовия ибн Аби Суфён томонидан амалга оширилиб, 7200 динор товон олиниши билан тугайди. Шундан кейин Араб халифалиги қўшинлари Онадўлининг ички ҳудудларига кириб бора бошлайди. Анкира (ҳозирги Анқара) шахри Муовия ибн Аби Суфён томонидан ҳижрий 33-йилда (милодий 653-йил 2-августдан 654-йилнинг 22 июлигача) ҳужумлар уюштирилган. Ҳижрий 43-йилдан (милодий 663 – 664) Араб халифалиги саркардалари ва қўшини Онадўлининг ички ерларида қишлиб қола бошлайди. Масалан, шу йили саркарда Башр ибн Арто ички Онадўлида қишлиайди [1: С. 85 – 88.].

Хоразмий ўз асарида Онадўлининг ички ерларида Араб халифалиги ва онадўликлар ўртасида бўлиб ўтган илк йирик жанглар тўғрисида қиска, лекин муҳим маълумотларни бериб ўтади. Хусусан, ҳижрий 51-йилда (милодий 671) Язид ибн Муовия Онадўлининг анча ерларини эгаллаб, Константинопол остоналаригача борганлиги ҳозирги тадқиқотчилар учун муҳим қайд саналади. Бу орқали мусулмонлар Султон Мехмет II Фотихдан (1451 – 1481) деярли саккиз юз йил илгари бу кўхна ва таниқли шаҳарни қўлга киритишга уриниб

кўрганлиги ойдинлашади. Кейинчалиқ, бундай йирик натижага Маслама ибн Абдулмалик хижрий 98-йилда (милодий 716 – 717) эришади. Шу йили халифалик қўшини Константинопол ёнида қишлиб қолади. Халифалик вакиллари бу ерларда экин экиб, ҳосилни йигиб олиб, анча вақт яшашга ҳам улгуришади. Сўнгги бор халифаликнинг Истанбулга хавф солиши эса 65 йилдан кейин юз беради. Ҳорун Рашид отаси Маҳдий (776 – 785) халифалиги чоғида, яъни хижрий 165-йилда (милодий 781 – 782) Константинополдан бир неча чақирим олисдаги Ҳеллеспонт (хозирги Дарданелл) бўғозигача ерларни эгаллаб бора олган [1: С. 90, 99, 100, 112.]. Бу Хоразмий томонидан асарда Онадўлига халифаликнинг ҳарбий юришлари тўғрисида берилган маълумотларнинг сўнггисидир.

Шу билан бирга, “Китоб ат-тарих”да Онадўлидаги румликларнинг Араб халифалигига қарши ҳаракатларига ҳам тўхталинган. Масалан, хижрий 98-йилда (милодий 716 – 717) халифалик қўшинлари Константинопол ёнида қолиб яшаётган вақтда румликлар кемаларда улардан яширинча йўлга чиқиб, халифаликка ўтган Лаодикия шаҳрини талаб, ёқиб юбориб қайтишади. Ҳижрий 14-йилда (милодий 732 – 733) эса румликлар ўз ерларида қолиб кетган халифалик қўшинларини тор-мор қилишади. Ҳижрий 140-йилда (милодий 757 – 758) эса Рум императори Константин V (741 – 775) Онадўлининг жануби-шарқидаги йирик шаҳар Қалиқалога (Киликия) ҳужум қилиб, уни талаб, аҳолини асир этиб олиб кетади [1: С. 100, 102, 107 – 108.].

Онадўлининг ўзидан олдинги кўплаб йиллик сиёсий тарихини яхши билган Хоразмий Рум императорлари ва уларнинг йирик ишларини ҳам асарда эслаб ўтади. Масалан, ҳижрий 65-йилда (милодий 684 – 685) Рум императори Мопсуэстга юриш қилгани айтилади-ю, лекин бунинг натижаси қайд этилмайди. Ҳижрий 49-йилда (милодий 698 – 699) эса Рум императори Антиохия аҳолисини қирғин қиласи. Бунга сабаб мазкур шаҳарнинг халифаликка бўйсуниб, унинг таркибида анча йил қолгани бўлиши керак.

Кирғин эса аҳолининг ўз ҳукмдорига хиёнати учун жазо ўрнида бўлган кўринади. Ҳижрий 101-йилда (милодий 719 – 720) император Леон (717 – 741) ўз юртидаги яхудийларни туттириб, сувга чўқтириб ўлдириради. Бу императорнинг ўзи эса ҳижрий 123-йилда (милодий 741) ўлади, тахтга унинг ўғли Константин V (741 – 775) келади. Ҳижрий 133-йилда (милодий 750 – 751) императори Константин Мелитенени (хозирги Малатя) эгаллаб, у ердаги мусулмонларни асирга олади [1: С. 92 – 96, 100, 104, 106.]. Бу император Қалиқалони ҳам эгаллагани юқорида айтиб ўтилди. Демак, Константин Онадўли жануби-шарқидаги анча ерларни араблардан тортиб олган. Бу халифалик учун катта йўқотиш бўлиб, шунинг учун ҳам Хоразмий мазкур воқеаларга алоҳида тўхталиб ўтган.

Насронийликдан анчагина хабардор бўлган Хоразмий халифалик томонидан эгалланган Онадўлидаги ерларда яшаб ўтган таниқли роҳибрұхонийлар, уларнинг муҳим ишлари, шунингдек, монастир ва черковлар тўғрисида ҳам қисқача маълумот беради. Жумладан, Байт Абе монастирига рұхоний Жаккуй томонидан асос солинганли унинг шогирди рұхоний Раббан Камйесу ўлган ҳижрий 32-йил (милодий 652 – 653) воқеаларида эслаб ўтилади. Хоразмий буларга алоҳида тўхталиб ўтганига қараганда, мазкур икки рұхоний ва монастир насронийлар учун жуда қадрли бўлган. Ҳижрий 123-йилда (милодий 740 – 741) Онадўлининг жануби-шарқидаги Насибин шаҳрига метрополит бўлган роҳиб Киприен жамият ҳаётида муҳим из қолдирган шахс саналган. Шунинг учун ҳам у асарда бир неча бор тилга олинади. Хусусан, у ҳижрий 141-йилда (милодий 758 – 759) қурилиши тугалланган Насибин ибодатхонасининг асосий ташаббускорларидан бўлиб, бинонинг абсиси ва алтари (қурбонгоҳ) битишига ўз ҳисобидан 56000 динор сарфлаган. Бундан сўнг ҳам Киприен то ўлимигача 9 йил давомида метрополит сифатида насронийлар жамоасини бошқарган [1: С. 86, 104, 108, 110.]. Хоразмийнинг бу маълумотларидан Араб халифалиги ўзи эгаллаган Онадўли ерларида диний

бағрикенгликтің сиёсатини юритиб, насронийларнинг ички ишларига аралашмаганлигини, ҳаттоқи, янги ибодатхоналар қуришларига қарши чиқмaganligini күриш мумкин.

Асарда, шунингдек, католик (насронийларнинг юқори диний унвони) мартабасига эришган рухонийлардан Ҳенанийесу, дасенлик Ян, Тимотий, Селибазека, шеналик епископ Довуд (Давид) сингари маликоий насроний роҳиблар билан боғлиқ воқеалар ҳам эслаб ўтилади. Бу чоғда Олд Осиё, хусусан, Онадўлида насронийликнинг яна бир тармоғи йаъқубийлик ҳам тарқалган бўлиб, Хоразмий улардан чиққан Илёс (Иля), Асанасиос (Афанасий), Иван, Жўржес (Георгес), Ян отли таниқли патриархларни тилга олади [1: С. 84 – 112.]. Юқоридаги киши отлари орқали бу чоғда Онадўлида юнонлардан ташқари сомий эллар, жумладан, сурёнийлар ва бошқалар ҳам яшаганлигини англаш мумкин.

Хоразмийнинг Онадўли ерларида юз берган табиий оғатлар хусусидаги маълумотлари ҳам диққатга сазовор. Масалан, хижрий 712-йилдаги (милодий 712 – 713) 40 кунлик ер қимирлаши ҳозирги Туркия ўтмишидаги энг кучли ва ҳалокатли оғатлардан бири бўлган, натижада Антиохия шахри вайрон бўлган [1: С. 99.].

Хоразмийнинг бу маълумотлари ундан кейин яшаб ижод қилган Мұхаммад Табарийдан тортиб, Жалолиддин Суютийгача бўлган ўнлаб тарихчилар асарларида ўз тасдиғини топади. Бу билан бирга асар муаллифи Онадўлининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўз асарида очиб берган нафақат туркистонлик, балки Араб халифалигидан илк тарихчи олим эканлиги ойдинлашади. Ҳатто, Хоразмийдан 200 йил кейин яшаган, асли Онадўлининг жанубидаги Нусайбин шахридан бўлган насроний метрополит Элие бар Шиная (Шинайлик Илёс, 975 – 1050) ўзининг "Йилнома" ("Хронография") асарини ёзишида “Китоб аттарих”даги анчагина маълумотлардан анчагина кенг кўламда фойдаланади.

Бизгача етиб келмаган “Китоб ат-тарих”нинг 632 – 785-йиллар оралигидаги жаҳондаги турли воқеа-ҳодисалар тўғрисида маълумот берилган салкам ўттиз бетлик бўлаги ҳам нусайбинлик Илёснинг шу асаридағина сақланиб қолган. Мазкур маълумот орқали Онадўлидаги турли диндаги, хусусан, насроний олимлар туркистонлик мутафаккирларнинг асарларига таянишган, улардан маънавий озуқа олишган деб айтиш мумкин. Бу билан Туркистонлик олимларнинг, айниқса, Хоразмийнинг ижоди Онадўлида ўрта чоғларда илм-фан ривожида, хусусан, тарих мактаби шаклланишида салмоқли ўрин тутганлиги ҳам исботланади.

Хоразмийнинг ўз асарларида Онадўли жўғрофияси бўйича берган маълумотлари ҳам ниҳоятда қимматлидир. Буларни шартли равишда олти гурухга бўлиш мумкин: 1) Онадўлидаги ўлкалар; 2) шаҳарлар; 3) тоғлар; 4) дарё ва булоқлар; 5) Онадўлини ўраб турувчи денгизлар; 6) Онадўли яқинидаги ороллар. Хоразмий буларнинг жуғрофий ўринларини келтириб, улар тўғрисида қисқа маълумотлар ҳам беради. Шуни ҳам айтиш керакки, асар муаллифи кўрсатган жуғрофий ўринлар ҳозиргидан 3 – 4 даражагача фарқ қиласди. Лекин бу хато дегани эмас. Мазкур фарқнинг сабаби Хоразмийнинг Ер юзини даража тўрларида тасвиrlаш усули ҳозиргидан ўзгачалигидадир. Улуш олим Ернинг ўз айланиш ўқига нисбатан эгилиш бурчагини ҳисобга олиб экваторни бугунгидан кияроқ тасавур этади. Бош меридиан эса тўққизинчи юз йилликда инсон яшайдиган ерларнинг энг ғарбий чеккаси деб ўйланган Канар оролларидан, яни бугинги бош меридиан Гринвичдан 21 даражада ғарбда тасвиrlанади. Натижада, жўғрофий нуқталарнинг ўринларида бугунгидан озгина фарқ юзага келади.

Шу нарса ҳам аниқки, олим Онадўлининг жуғрофиясини тасвиrlашда ўзидан олдинги олимлар, юонон мутафаккирлари, хусусан, Птолемейнинг (100 – 170) асарларидан фойдаланган бўлса-да, уларга қаттиқ таяниб қолмаган, шахсий изланишлари натижаларини ҳам асарда кўрсатиб бера олган. Шунга

кўра, Хоразмий Онадўли жўғрофияси бўйича келтирган маълумотлар, юонон ёки бошқа олимларнинг асарларидан шунчаки ўгирилиб кўчириб қўйилган билимлар эмас, балки аниқ кузатишлар, изланишлар натижаларини саналади. Масалан, Птолемей “География” асарида Онадўлидаги ўлкаларга ном-баном тўхталса ҳам, уларнинг ўрта қисмлари жуғрофий ўрнини келтирмайди [5: Р. 2 – 57.]. Хоразмийда эса булар бор. Лекин Хоразмий Птолемей тилга олганданидан камроқ ўлкаларни тавсифлайди. Буни юзлаб йиллик сиёсий-маданий жараёнлар натижасида айрим ўлкалар тутатилганлиги ёки бошқаларига қўшилиб кетганлиги билан тушунтирган бўлардик.

Хоразмий бу ўлкаларни, умуман, Онадўлидаги жуғрофий жойларни жанубдан шимолга томон тавсифлайди. Бунда у Онадўлидаги етти ўлка: жануби-ғарбдаги Ликия, жанубдаги Киликия, ҳозирги Туркиянинг Европадаги бўлаги Фракия, Анқарадан ғарбдаги бўлак Осиё (аслида илгари Фригия дейилган бу бўлак Хоразмий томонидан Осиё деб қайта аталмоқда), шимолдаги Галатея, Галатея билан Фурот дарёси оралигидаги Каппадокия, Онадўлининг шарқидаги Мизиянинг жўғрофий ўрнини кўрсатиб, улар бошқа қайси ўлкалар билан чегарадошлигини айтиб ўтади. Масалан, Фракиянинг ўртаси 47° шарқий узунлик, $42^{\circ} 40'$ шимолий кенгликда деб қайд этилган. Булар Фракиянинг бугунги ўрнига деярли тўлиқ мос келади. Қора денгизнинг жанубий кирғоқларидаги Галатея эса $50^{\circ} 30'$ шарқий узунлик, $48^{\circ} 10'$ шимолий кенгликда [3: Б. 336, 421 – 422.]. Хоразмийнинг бугунгидан ўзгача жуғрофий йўсинини ҳисобга олсак, у топган натижа ҳам ўз чоғи учун анча аниқ саналади.

Хоразмийга кўра, бутун Онадўли ерлари жанубдан шимолга томон 4-, 5-, 6-, 7- иқлиmlар ва қисман 7- иқлиm ортида ястаниб ётади. Шимолий $30^{\circ} – 36^{\circ}$ параллеллар оралиғи 4-иқлиm бўлиб, бунда Онадўлининг саккизта йирик шахри жойлашган. Салавкийлар сулоласидан бери 2000 йилдан ошиқ вақт давомида яшаб келаётган Антокия бу бўлакдаги энг жанубий йирик шахар бўлиб, жўғрофий ўрни $61^{\circ} 35'$ шарқий узунлик, $34^{\circ} 10'$ шимолий кенглик деб

кўрсатилган. Хоразмийнинг йўсини буйича мазкур миқдор бугун тахминан 40° шарқий узунлик, $35^{\circ} - 40^{\circ}$ шимолий кенглиkkка тўғри келади. Шаҳарнинг бугунги жўғрофий ўрни тақрибан 36° шарқий узунлик, 36° шимолий кенгликда [3: Б. 298 – 299.]. Демак, олимнинг ҳисоб-китоби 3-4 даражага фарқ қилиб, 1200 йил олдинги дунё учун ангагина аниқ кўрсаткичdir

Бу бўлакдаги Масиса шахри (Масиса – бугунги Туркияning жанубида Жайхон дарёси бўйидаги Мисис шахри) жуғрофий ўрни эса яна ҳам аниқрок кўrсатилган: $59^{\circ} 40'$ шарқий узунлик, 36° шимолий кенглик (бу бугунги ҳисобда тақрибан 38° шарқий узунлик, $35 - 40^{\circ}$ даражалар оралиғидаги шимолий кенглик бўлади) [4: 195a-вар.]. Шаҳарнинг ҳозирги ўрни эса тақрибан 36° шарқий узунлик, 37° шимолий кенгликда. Демак, фарқ унчалик катта эмас. Бу 1200 йил олдинги илм-фан учун жуда яхши кўrсаткичdir. Ўз вақтида Птолемей бу шаҳарнинг жуғрофий ўринини $62^{\circ} 30'$ шарқий узунлик, $38^{\circ} 30'$ шимолий кенглик деб қайд этганди [5: Р. 23.]. Хоразмийнинг ҳисоб-китоблари бундан фарқ қилиши унинг юнон олими асарларига чуқур таянмаганини яна бир бор исботлайди,

Хоразмий Онадўлининг 5-иқлимга тегишли бўллагидаги 16 та, 6-иқлимдаги 9 та, 7-иқлимдаги 6 та, 7-иқлимдан тепадаги 1 та йирик шаҳарларнинг жуғрофий ўринларини бирма-бир кўrсатади [4: 195a – 196б-вар.; 3: Б. 298 – 304.]. Демак олим бу юртда тўққизинчи юзийилликда мавжуд бўлган 40 дан ортиқ йирик шаҳарни тилга олиб, улар қаерда: денгиз бўйидами ёки тоғда ўрнашганлигига ҳам тўхталиб ўтади. Албатта, Онадўлидаги шаҳарлар юқоридаги сондан ўша даврда анча кўпроқ бўлган. Лекин Хоразмий бу ерда тарихий, сиёсий, маданий жиҳатдан йирик ва қўпчиликка таникли шаҳарлар тўғрисида маълумот бериб, кичикларига унчалик эътибор қаратмаган. Масалан, теридан тайёрланадиган машҳур қофоз – пергаментнинг ватани Фарғамус шахри (Фарғамус – Туркияning ғарбидаги бугунги Бергама шахри, ўтмишда Пергам деб аталган. Хоразмий бу эски отнинг араб тилидаги талаффузини

келтиради) 4-иқлимда бўлиб, жуғрофий ўрни $51^{\circ} 35'$ шарқий узунлик, 40° даража $15'$ шимолий кенглиқда этиб кўрсатилган (бу бугунгидан 1-2 даражага фарқ қиласди, холос). Шаҳар бугун унчалик машҳур эмас, ери ҳам кичикроқ, яъни Бергама 2000 йил илгариги шухратини, аҳамиятини ҳозирда анча йўқотган. Тўққизинчи юзийилликда эса қофоз ва бошқалар туфайли Онадўлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида Пергам салмокли ўрин тутган. Шу сабабли Хоразмий бу шаҳарни эсламай ўтолмаган бўлиши керак.

Хоразмий ўзидан илгариги юонон муаллифлари эътибор қаратмаган шаҳарларга ҳам тўхталиб ўтади. Масалан, Птолемей яшаган чоғроққина бўлган Мегара манзилгоҳи ундан икки юз йилча ўтиб йирик сиёсий-маданий марказ Константинополга (Қустантиния) айланади. “География”да учрамаган бу шаҳарни Хоразмий, албатта, тилга олади. 6-иқлимдалиги айтиб ўтилган бу шаҳарнинг жуғрофий ўрни деб кўрсатилган $49^{\circ} 55'$ шарқий узунлик, 45° шимолий кенглик бугунги Истанбулга деярли мос келади [4: 1966-вар.; 3: Б. 298 – 304.].

Хоразмийнинг 7-иқлимдан шимолдаги Онадўлига тегишли ерлар хусусидаги қайдлари ҳам диққатга сазовор. 7-иқлимни 48° шимолий кенглиқдаги параллел билан чегаралаган олим 63° шимолий кенглик параллелигача инсонлар яшашини таъкидлаб, бу ерларни Ер сайёрасининг ўзига хос бўлаги деб тасаввур қиласди. Бу ерда Онадўлининг йирик биргина шахри Синафа (Синафа – Туркиянинг Қора денгиз бўйидаги энг шимолий порт шахри Синоп) бўлиб, Хоразмийга кўра, жуғрофий ўрни $56^{\circ} 10'$ шарқий узунлик 49° шимолий кенглиқдадир [3: Б. 304.]. Туркиянинг энг шимолий нуқтаси Инжебурун бурни ёнида жойлашган бу шаҳар Онадўлининг бошқа ҳудудларига нисбатан анча шимолдадир. Демак, ер юзидағи жуғрофий нарсаларнинг ўрнига оид анча етук билимга эга бўлган Хоразмийнинг Синоп бўйича қарashiда илмий асос бор.

Хоразмий шаҳарлардан ташқари бошқа жуғрофий нарсаларни, жумладан, Онадўлидаги тоғларни иқлиmlар нуқтаи назаридан келиб чиқиб тавсифлайди. Онадўлидаги Лукком тоги (Лукком тоги – ҳозирги Туркияning жанубида, Малатя, Антакя ва Тарсус шаҳарлари орасидаги Нурдоғ тоғлиги) 4-иқлимда, Туркияning ғарби ва Эгей денгизи оролларидағи 8 та тог 5-иқлимда, Идус (Идус – Онадўли шимоли-ғарбидаги эски Ида тоғининг оти, бу ҳозирги Туркияning Эдреит шаҳридан шимолдаги Хўжақатрон тоги), Сипулос (Сипулос – ҳозирги Туркияning ғарбидаги Демиржи, Буздағ, Ушюмюш тоғлари), Дидумос (Дидумос – эски оти Дидумус, бугунги Анқаранинг жануби-ғарбидаги Эмир, Арайит, Чиле, Алмадағ тоғлари), Калюн (Калюн тоги – ҳозирги Туркияning жанубидаги Тавр тизмаси, эски оти Товурус) тоғлари эса 6-иқлимда деб кўрсатилади. Демак, бобомиз Онадўлидаги 10 дан ошиқ тоғни санаб ўтиб, уларнинг бошланиш ва тугаш ери жуғрофий ўринлари, ранглари, чўққиси қаерга қараганлигини ҳам баён қиласи. Масалан, Лукком тоги $60^{\circ}50'$ шарқий узунлик, $35^{\circ}10'$ шимолий кенгликдан бошланиб, $62^{\circ}20'$ шарқий узунлик, 32° шимолий кенгликда тугайди. Тоғнинг ранги пушти, чўққилари эса шимолга қараган [3: Б. 405 – 407, 310 – 312.]. Бунда ҳозирги Туркияning жанубидаги Нурдоғ тоғлиги тўғрисида сўз кетмоқда. Хоразмий берган кўрсаткичлар эса мазкур тоғликнинг ўрнига деярли мос келади.

Хоразмий Онадўлидаги дарёларга анча батафсил тўхталади. Бунда дарёнинг манбаси, боши ва сўнгининг жуғрофий ўрни, ҳаракат йўналиши, қаерга қуйилиши кенгроқ ёритилади. Олимга кўра, Онадўлининг 4-иқлимдаги бўлагида 1та йирик; 5-иқлимда 10 тача; 6-иқлимда ҳам 1 та йирик; 7-иқлимда эса 1 та йирик ва бир неча кичик дарёлар бор. Масалан, Дажла дарёси Онадўли шарқидаги бир булоқдан бошланиб, Омид (Диёрбакир) шаҳридан ўтиб, Ироқقا томон кетади. Хоразмий Дажланинг йирик икки ирмоғи Катта ва Кичик Зоб дарёлари ҳам Онадўли шарқидаги тоғлардан бошланишини айтиб ўтади [3: Б.

348 – 358, 429 – 434.]. Олимнинг бу ва Онадўлидаги бошқа дарёлар бўйича қарашлари бугунги кунимизга ҳам мос келади.

Хоразмий Онадўли қирғоқларини ювиб турувчи денгизларни ҳам эсдан чиқармайди. Олим Ўрта ер денгизини бир неча бўлакка ажратиб тасаввур этади. Булардан Шом ва Лазика денгизлари Онадўлини жануб ва ғарбдан ўраб турди, уларнинг бўйида Афасус (Афасус – Иониядаги эски Эфес шахри, ҳозирги Туркияning Селжук шаҳридан жанубда), Таруана (Таруана – кўхна Фригия ўлкасидаги Труанаполис шахри) шаҳарлари жойлашган. Фракия денгизи бўйидаги шаҳарлар сифатида Никомедия (Никомедия – ҳозирги Туркия шимоли-ғарбидаги Измит шахри), Халқидун (Халқидун – Босфор бўғозидаги кўхна Халкедон шахри, ҳозирда Истанбулнинг Хайдарпоша тумани), Херақлия (Херақлия – ҳозирги Туркиядаги Эргли шахри), Кустантиния, Синафа, Крумна (Крумна – эски Кромна, ҳозирги Туркия шимолидаги Амасра шахри) саналади [2: Б. 318 – 319, 411 – 412.]. Бундан келиб чиқиб, Хоразмий томонидан Мармар ва Қора денгизнинг жанубий бўлаги Фракия денгизи деб аталган дейиш мумкин.

Шундан кейин Хоразмий Онадўли яқинидаги денгизлардаги оролларни тавсифлайди. Бунда Каритус (Ҳозирги Крит ороли), Шамус (Ҳозирги Самос ороли), Қарқара (Эски оти Керкира, ҳозирги Корфу ороли), Киюс (Ҳозирги Хиос ороли), Харнис, Қубрус (Ҳозирги Кипр ороли) ва 20 та кичик оролларнинг ўртаси жуғрофий ўрни, майдони, шунингдек, уларнинг шакли баён қилинади. Кипр оролида тўққизинчи юзийилликда 3 та йирик шаҳар бор бўлганлиги тўғрисидаги маълумот эса тарих фани учун ниҳоятда қимматлидир [3: Б. 329 – 331.].

Хоразмий асарларида Онадўлида ўзигача бўлган чоғда яшаб келаётган элларнинг кунсаноқлари (тақвимлар) тўғрисида қимматли маълумотларни берган. Хоразмийга кўра, бу ерларда румликларнинг Қуёш ҳаракатига асосланган кунсаноғи амалда бўлган. Бунда йил 365 кундан ва чорак кундан

иборат саналган. Бу ортиқча чорак тўрт йилда бир кун қилинган. Натижада румликларнинг кунсаноғидаги ҳар тўртинчи йил 366 кунли бўлиб, буни улар биссекстилис (арабча кабиса) дейишган. Хоразмийга кўра, онадўлуликларнинг йили октябр ойидан бошланган: 1) октябр – 31 кун; 2) ноябр – 30 кун; 3) декабр – 31 $\frac{1}{4}$ кун; 4) январ – 31 кун; 5) феврал – 28 кун; 6) март – 31 кун; 7) апрел – 30 кун; 8) май – 31 кун; 9) июн – 30 кун; 10) июл – 31 кун; 11) август – 31 кун; 12) сентябр – 30 кунни ташкил этган.

Хоразмий бунда йилдаги ортиқча чорак кун декабрга қўшилишини, шунинг ҳисобига тўрт йилда бир марта декабр ойи 32 кунли бўлиб келишини таъкидламоқда. Бунда онадўлиликлар ҳозиргидек отли ойларни минг йиллар илгари ишлатсалар-да, кабиса масаласида биздан фарқли фикрда бўлганликлари англашилади [2: Б. 174.].

Хоразмий, шунингдек, араб йилларидан Рум йилларига ўтишда ҳар иккала йилларни кунларга айлантириш усулини қўллашни тавсифлаб ўтади. Онадўлиликлар ишлатадиган Искандар эрасидан милодгача ва мусулмонларнинг ҳижрат эрасигача неча йил ўтганлигини маҳсус жадвалда келтириб, тушунтириб беради. Бошқа жадвалда эса онадўлиликларнинг ойлари ҳафтанинг қайси кунидан бошланиши ва кабисали йилларни аниқлаш йўсини кўрсатилади. Хоразмий буларни сўз билан ҳам яхшилаб тушунтиради [2: Б. 174 – 187.].

Хулоса ва таклифлар. Умуман, юқоридагилардан кўринадики, Мухаммад Хоразмий Онадўлининг дарёсидан денгизигача, тоғидан оролигача яхши билган, бу ерликларнинг турмуши, тарихи тўғрисида анчагина маълумотларга эга бўлган. Булардан олимнинг онадўлиликлар билан яқиндан алоқада бўлганини, улар ва юртлари тўғрисида ўзигача ёзилган асарлар билан батафсил танишиб чиққанини сезиш мумкин. Ушбу ҳолат эса Хоразмий яшаган чоғда Турон ва Онадўли ўртасидаги алоқалар ниҳоятда яхши бўлганининг белгисидир. Бу маълумотлар орқали эса Турон марказидаги Ўзбекистон ва

Онадўли ўлкасида жойлашган Туркия давлатлари ўртасидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар минг йиллардан бери давом этиб кетаётганлиги яна бир бор ўз исботини топади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Élie bar-Šinaya. La Chronographie. – Paris, 1910. – С. 409.
2. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Хоразмий зижи. – Тошкент. 1983. – Б. 173 – 206.
3. Муҳаммад Хоразмий. Танланган асарлар. Китоб сурат ал-арз. – Тошкент, 1983. – Б. 292 – 466.
4. محمد بن موسى الخوارزمي. معرفة عرض البلد. Кўлёзма. Истанбул, Сулаймония кутубхонаси: Аё Софя тўплами. №4830/10г. 1946 – 1966-вар.
5. Claudii ptolimaei. Geographia. Tom II. – Lipsiae, 1845. – P. 269.

MUHAMMAD KHWARIZMI ABOUT THE LAND OF ANATOLIA – HISTORICAL TURKEY

Abstract. The article analyzes the information provided in the works of the great Turanian encyclopedist Muhammad Khwarizmi (783 – 850) about the historical Anatolia region. In this, various notes about the political events that took place in Anatolia, the geography of the region, its population and its social life are studied in a problematic way. When writing the article, an attempt was made to include almost all the information about Anatolia presented in the works of Khwarizmi in the scope of the study. As a result of the research, it was revealed that Khwarizmi's works are of great importance in the study of thousands of years of historical relations between Turan and Anatolia.

Keywords: Muhammad Khwarizmi, Turan, Anatolia, Rome, Romans, Byzantium, Arabs, Arab Caliphate, "Book of History", Claudius Ptolemy, coordinate, calendar, Christianity.

МУХАММАД ХОРЕЗМИ О ЗЕМЛЕ АНАТОЛИИ – ИСТОРИЧЕСКОЙ ТУРЦИИ

Аннотация. В статье анализируются сведения, представленные в трудах великого туранского энциклопедиста Мухаммада Хорезми (783 – 850) об историческом регионе Анатолии. В этом проблемном ключе изучаются различные заметки о политических событиях, происходивших в Анатолии, география региона, его население и его общественная жизнь. При написании статьи была предпринята попытка включить в объем исследования практически все сведения об Анатолии, представленные в трудах Хорезми. В результате исследования было выявлено, что труды Хорезми имеют большое значение в изучении тысячелетних исторических связей между Тураном и Анатолией.

Ключевые слова: Мухаммад Хорезми, Турецкая Анатолия, Рим, римляне, Византия, арабы, Арабский халифат, «Книга истории», Клавдий Птолемей, координата, календарь, христианство.